

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВ УСМОН МУҲАММАД ЎҒЛИ

**XVIII АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА
ҚАРШИ ШАҲРИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА
МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Мўминов Усмон Муҳаммад ўғли
XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Қарши шаҳрида
ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар.....5

Муминов Усмон Муҳаммад оглы
Социально-экономические и культурные процессы в городе Карши
во второй половине XVIII – начале XX веков 27

Muminov Usmon Muhammad oglu
Socio-economic and cultural processes in Karshi city in the second half of the
XVIII century – early XX century..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 57

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВ УСМОН МУҲАММАД ЎҒЛИ

**XVIII АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА
ҚАРШИ ШАҲРИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА
МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Тарих факультети бўйича филозофия доктори (PhD) диссертациясини мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кузурининг Олий аттестация комиссиясида В.2020.1.PhD/Tar624 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетинда бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эшов Боходир Жураевич
тарих факультети доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сулаймонов Рустам Хамидович
тарих факультети доктори, профессор
Худойкулов Тўлқин Дўстбоевич
тарих факультети доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Қарши давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 03/27.02.2021. Таг.70.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "15" 08 соат 11 дақиқасида бўлиб ўтди (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (111 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "12" 08 куни тарқатилди (2022 йил 12 08 дақиқаси 14 рақамли реестр баённомаси).



Г.Э.Мўминова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси ўринбосари,
т.ф.д., профессор

Н.Н.Ржабова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
т.ф.и., доц

Ю.А.Эргашева
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси,
т.ф.д., проф

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий глобаллашув шароитида маданий меросга бўлган муносабат бутун дунё миқёсида ўзгариб бормоқда. Жаҳон тарихи ва маданияти тараққиётида умумбашарий маданий мерос марказлари бўлган шаҳарлар тарихига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар даврида кечган урбанизация жараёнларини тадқиқ этиш муҳим функционал аҳамият касб этади. Минтақа шаҳарларининг шарқдаги турли вазифаларни бажарган марказлар билан узвий алоқадорликда ривожланганлиги – урбанизация жараёнларини тадқиқ этиш жаҳон тарихи фанининг муҳим муаммоларидан бири эканлигини далиллайди.

Дунёнинг турли мамлакатларида урбанизация жараёнлари жадал тараққий этаётган бир шароитда шаҳарлар тарихини ҳар томонлама ёритиш борасидаги эҳтиёж ва зарурат тобора глобаллашиб бормоқда. Жаҳондаги кўплаб илмий-тадқиқот марказлари, олий таълим муассасаларида урбанизация жараёнларининг маълум минтақаларга хос хусусиятларини ҳамда ривожланиш қонуниятларини тадқиқ этиш борасида тизимли изланишлар олиб борилиб, замонавий шаҳарсозлик, туризм инфратузилмаси каби масалалар тадқиқотлар доирасига тортилмоқда ҳамда долзарб илмий муаммо касб этмоқда.

Ўзбекистонда “Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир”¹. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошлари Бухоро амирлиги тарихи ва маданиятида кўплаб ижтимоий, сиёсий, маданий ва иқтисодий янгиликлар даври бўлиб, шаҳарлар ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар бўлиб ўтди. Ушбу ўзгаришлар шаҳарлар қиёфасига, инфратузилмасига, бажарган вазифаларига таъсир этмасдан қолмаган. Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон шаҳарларида кечган тарихий-маданий жараёнларни тадқиқ этиш долзарблик касб этади. Шу жиҳатдан масалага ёндашилса, Қарши шаҳри тарихи ва маданиятини илмий асосларда ўрганиш ва таҳлил этиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда шаҳарлар ва шаҳар маданиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорида шаҳар маданияти ривожига муҳим аҳамиятга эга театрлар, музейлар бадиий жамоалар, маданият, аҳоли дам олиш масканлари ва истироҳат боғлари фаолияти, моддий техник базаси ҳолатини ўрганиб чиқиш зарурлиги такидланган². Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 сентябрдаги “Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида”³ги ва 2010 йил 29 декабрдаги “2011-2015

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б. 29 (592).

² “Халқ сўзи”, 2017 йил 1 июнь.

³ <https://nrm.uz/contentf?doc=459340>

йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”⁴ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”⁵ги Фармонида ва соҳани ривожлантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли дастурий йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муамонинг ўрганилганлик даражаси. Қарши шаҳри тарихи турли даврларда яшаган тарихчилар томонидан ёритилган. Хусусан, Россия империяси даври тарихчи олимларининг тадқиқотларида, асосан, ўрта аср шаҳарларининг хунармандчилик ва савдо-сотик ривожигадаги ўрнига аҳамият берилган бўлса, совет даврида эса шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий марказ сифатида бажарган вазифалари ўрганилган. XX асрнинг 80-90-йилларида шаҳарларга ижтимоий-маданий жараёнлар фаол кечган марказлар сифатида қаралган.

Тадқиқ этилаётган мазкур илмий муаммонинг айрим жиҳатлари бўйича маълумот берувчи манба ва адабиётларни уч гуруҳга бўлиб таҳлил этиш мумкин:

Биринчи гуруҳ адабиётларига XVIII асрнинг охири – XX аср бошларида маҳаллий тарихчилар, ҳарбий-миссионерлар, сайёҳ тадқиқотчиларнинг асарлари ҳисобот ва эсдаликлари кўринишидаги адабиётлар:

Иккинчи гуруҳ эса, XX асрнинг 20-90-йилларгача чоп этилган махсус илмий-тадқиқот шаклидаги адабиётлар:

Учинчи гуруҳ адабиётларига мустақиллик давридаги археологик, этнография ҳамда ўлкашунослик нуқтаи назаридан бажарилган махсус тадқиқотлар, монографияларни киритиш мумкин.

Дастлабки гуруҳга оид маҳаллий муаллифлар Муҳаммад Хўжа Бақо, Хожа Самандар Термизий, Аҳмад Дониш, Мирзо Абдул Азим Сомий, Мирза Салимбек, Мирзо Девон, Мир Иззатулло томонидан ёзилган асарларда ўрганилаётган даврда Бухоро амирлигида кечган сиёсий воқеаларда Қарши шаҳри билан боғлиқ тарихий жараёнлар хусусида баъзи маълумотлар берилган. Айтиш мумкинки, Жанубий Ўзбекистон шаҳарлари қадимийлиги ва Ўрта Осиё урбанизация жараёнлари ривожига тарихида муҳим ўрин

⁴ <https://lex.uz/ru/docs/1722002>

⁵ <https://lex.uz/docs/5841063>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.

эгаллаганлиги туфайли улар ҳақидаги маълумотларни турли даврларда ёзилган манбаларда учратиш мумкин.

Аввало, маҳаллий муаррих Хожа Самандар Термизий “Дастур ул-мулук” асарида⁶ XVII асрнинг иккинчи ярми – XVIII асрнинг бошларида жанубдаги айрим шаҳарлар, уларнинг мудофаа деворлари, шаҳар ҳаёти ва шаҳарлар бошқарувининг айрим мансабдор шахслари – қози, раис ҳамда диний уламолар фаолияти ҳақида, шунингдек, шаҳар аҳолисининг турли-туман қатламларига оид маълумотларни келтириб ўтади.

Муҳаммад Хўжа Бақонинг “Тазкираи Муқимхон” асарида⁷ (XVIII аср) Бухоро давлати таркибидаги Балх ҳамда унга қўшни бўлган Термиз ҳамда Қарши шаҳарлари ҳақида маълумотлар берилади. Аҳмад Донишнинг асарида⁸ Бухоро амирлигининг Россия билан муносабатлари тарихидаги шаҳарларнинг роли ҳақида маълумотлар берилади. Мирзо Салимбек кўп йиллар Яккабоғ, Бойсун, Шеробод, Шаҳрисабз бекликларида ҳокимлик қилган бўлиб, ўзининг “Тарихи Салимий” асарида⁹ бу ҳудудлардаги шаҳарлар ҳақида ишончли ва қизиқарли маълумотлар қолдирган. Мирза Девон ўзининг “Мажма ал-арком” асарида¹⁰ шаҳарлар бошқаруви тизимига оид муҳим маълумотлар беради ва уларнинг кўпчилиги бошқа манбаларда такрорланмайди.

Мирзо Абдул Азим Сомийнинг “Тарихи салотини манғитийа” асари¹¹ давр жиҳатдан XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрни қамраб олади. Ушбу асарда шаҳарлар бошқарувига мансабдор шахсларни тайинлаш анъаналари ҳамда баъзи ҳукмдорлар томонидан бу борада киритилган янгиликлар, шаҳар маданияти, жумладан, турли масжидлар ва мадрасалар қурилиши, ободонлаштиришга оид маълумотлар мавжуд.

Мир Иззатуллонинг “Маъсири Бухоро” (“Бухорога саёҳат”) асари¹² ҳам асосий манба ҳисобланади. Муаллиф Бухоро амирлиги шаҳарлари жумладан, Қарши шаҳри ҳаётига оид муҳим маълумотларни келтирган. Бу ўринда унинг шаҳарлар тузилиши, ҳунармандчилик ва савдонинг аҳволи, шаҳарларни боғловчи йўллар ҳақидаги маълумотлар қимматлидир.

Маҳаллий манбаларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, маҳаллий муаррихлар биз ўрганаётган давр Қашқадарё воҳасидаги сиёсий ҳаёт, хонликлардаги ўзаро муносабатлар ҳамда улар ўртасидаги вазият, ижтимоий-

⁶Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1997. – Б. 271; Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук (тўлдирилган иккинчи нашри). – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 351.

⁷Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқимханская история. Перевод с тадж. преде. прим и указать. проф. А.А.Семёнова. – Ташкент, 1956. – С. 303.

⁸Дониш Аҳмади Маҳдум.Рисола ё мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони манғития. – Таҳия Далер-Душанбе: Сарват, 1992. – Б. 92.

⁹Норкулов Н.К. «Таъихи Салимий» – ценный источник по истории Бухарского эмирата (1860-1920 гг.) Дисс...на соиск. канд. ист. наук. – Ташкент, 1968. – С. 38.

¹⁰Мирза Бади-диван. Маджма ал-аркам (предпаниа фиска, приёмы документации в Бухаре XVIII в.) Факсимиление рукописи, введение, перевод, примечания и приложения А.Б.Вильдановой. – М.: Наука, 1981. – С. 198.

¹¹Мирза Абдал Азим Сами. Тарихи салатин-и Мангитийа (История мангытских государей) //Издание текста, предисловие, перевод и примечания Л.М. Епифановой. – М.: Восточная литература. 1962. – С. 178.

¹²Мавлонов Ў., Аминов Б. Мир Иззатулло ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2006. – №.4. – Б. 20-22.

иқтисодий ҳаёт, маданият соҳасининг ҳолати масалаларини ёритиб берар эканлар, қисман шаҳарлар ҳаётига ҳам тўхталиб ўтадилар. Бу гуруҳ манбалари орасида айнан у ёки бу шаҳар тарихини ҳар томонлама ёритиб берувчи асарлар йўқ бўлса-да, Қашқадарё воҳаси шаҳар ва қишлоқларидаги маданий ҳаёт, ҳунармандчилик ва савдо-сотик, бошқарув тизими, ҳимоя иншоотлари, шаҳарларни боғловчи йўллар ҳақида умумий маълумотлар кўплаб учрайди. Ушбу маълумотлар ҳаққонийлиги ҳамда мафкуравий қарашлардан холислиги билан ажралиб туради.

Россия имперясининг босқини даврида махсус топшириқлар асосида ўлкани ўрганган сайёҳ олимлар Е.К.Мейендорф, А.Бёрнс, Н.Хаников, харбийлардан Г.А.Арандаренко, А.Галкин, Д.Н.Логофет, И.И.Гейерлар ҳисобот ва эсдаликлар¹³ ёзиб қолдиришган. Бу асарларда ўзининг сиёсий, иқтисодий таъсирини кенгайтиришга ҳаракат қилган метрополиянинг стратегик қизиқишлари асосида Қарши шаҳри ва вилоятининг географик жойлашуви, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти ҳақида қайд этиш даражасидаги далил ва маълумотлар келтириб ўтилган.

Шунингдек, А.Д.Гребенкин, Н.П.Стремоухов, А.П.Хорошхин, Н.А.Маев, А.А.Кун, Р.Гуровский, Б.Литвинов, А.Вамбери, америкалик дипломат ва сайёҳ Ю.Скайлер ва англиялик черков руҳонийси ва сайёҳи Х.Ланселлларнинг асарлари ҳам Қарши шаҳрининг иқтисодий тараққиёти, шаҳарнинг маъмурий бошқарув тизими, амирлик хазинасига келтирадиган даромади, аҳолиси, ишлаб чиқариш жараёнлари хусусида айрим маълумотлар беради¹⁴.

А.А.Куннинг асарида Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт, карвонсаройлар, шаҳарларни боғловчи йўллар, аҳолининг машғулотлари, бозорлар, шаҳарлар топографияси масалаларига алоҳида эътибор қаратилган¹⁵. Россия мустамлакачи маъмуриятининг 1874 йилда Бухоро амирлигининг Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Ғузор, Шеробод, Термиз шаҳарларига ташкил қилган махсус экспедицияси аъзоларининг

¹³ Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб.1843. – С. 280; Борнс А. Путешествия в Бухару: рассказ о плавании по Инду от морей до Лагора с Великобританского короля и отчет о путешествии из Индии в Кабул, Татарию, Персию, предпринятом по предписанию Высшего правительства Индии в 1831, 1832, 1833 годах лейтенантом Ост – Индийской компанейской службы Александром Борнсом, членом Королевского общества // пер. с английского Георг Мин. – М.: Изд. В. Голубкова, 1848. – С. 370-376; Арандаренко Г.А. Цистерны в Каршинской степи // Досуги в Туркестане 1874-1889 гг. – СПб., 1889; // Галкин А. Краткий очерк Бухарского ханства. – СПб., 1890; Логофет Д.Н Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб.: Тип. Б. Березовского, 1909. – С. 239; Ўша муаллиф. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т. I-II. – СПб., 1911. - С. 357; Ўша муаллиф. В горах и на равнинах Бухары. – СПб: Тип. В Березовского, 1913. – С. 619; Ўша муаллиф. В забытой стране// Путевые очерки по Средней Азии. – М., 1912; Гейер И.И. Туркестан. – СПб., 1909. – С. 366; Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975. – С. 182.

¹⁴ Гребенкин А.Д. Узбеки// Русский Туркестан. – М. – СПб., 1872. Вып. II. – С. 58-82; Стремоухов Н. Поездка в Бухару (извлечение из дневника), - СПб.: Тип. А. Траншелч, 1876; Lansdell H. Russian Central Asia, including Kuldja, Bokhara, Khiva and Merv. – London, 1885. Vols. II. – P. 732; Schuyler E. Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Kokand, Bukhara and Kuldja. – London, 1876. Vols. I-II; Ўша муаллиф. Туркистон. Ўзбек тилига З. Саидбобоев таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 336; Литвинов Б. Карши // Туркестанские ведомости. – 1910. – № 114-116.

¹⁵Кун А.А. Очерки Шахрисабзского бекства // ЗИРГО по отделению этнографии. – СПб., 1880. Т.6. – С. 203-237.

ҳисоботларида¹⁶ амирлик шаҳарларидаги маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, турмуш-тарзи, маданияти, хунармандчилик ҳамда унинг аҳволи, шаҳарлар аҳолисининг ишлаб чиқариш фаолияти, савдо-сотик муносабатлари ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Улардан ишимизда умумий тарзда фойдаландик. Чунки улар маълум бир шаҳарнинг тарихи ва маданиятини тўлиқ ёритиб бера олмайди.

Бу ўринда Н.А.Маевнинг тадқиқотлари диққатга моликдир. Ушбу муаллифнинг тадқиқотлари кенг қамровли бўлиб, улар жануб шаҳарларининг географик жойлашуви, тоғли бекликлар аҳолисининг турмуш-тарзи ва машғулотлари, шаҳарлардаги маданий ҳаёт, шаҳарларни боғловчи тоғ йўллари, савдо-сотик муносабатлари кабилардан иборатдир¹⁷.

Таҳлил этилган асарларнинг аксарияти мутахассислар томонидан яратилмаган бўлса-да, бу маълумотлар муаллифларнинг шахсий кузатувлари асосида ёзилганлиги, кўп ҳолларда ишончлилиги билан ажралиб туради. Аммо уларга танқидий нуқтаи назардан ёндашиб, маълумотларнинг ўша давр мафкураси ҳукмронлиги остида, ҳукмрон табақа манфаатларидан келиб чиқиб яратилганлигини эътибордан четда қолдирмадик.

Иккинчи гуруҳга кирувчи XX асрнинг 20-90-йилларида яратилган асарларда жиддий илмий ёндашувларни кузатиш мумкин. В.В.Бартольд, Л.А.Зимин, В.Л.Вяткин, О.А.Сухарева, М.Е.Массонларнинг асарларида¹⁸ шаҳарнинг сиёсий ҳаёти, савдо сотик муносабатларидаги ўрни ва мавқеининг ортиб бориши, Қарши шаҳрининг тараққий этишига доир муҳим маълумотлар берилган.

Л.А.Зимин Қаршининг антик ва илк ўрта асрлардаги ўрни – Нахшаб, Насаф шаҳар харобалари устида олиб борган археологик тадқиқотлари асосида ёзган асарида эса XIX асрдаги шаҳарнинг тузилиши, савдо муносабатлари, иқтисодий ҳаёти ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтган бўлса¹⁹, В.Л.Вяткиннинг 1920 йиллар охирида ёзган асари Қарши шаҳрининг тарихини ўрганишда жуда муҳим аҳамият касб этиб, унда 1800-1803 йилларда кечган сиёсий воқеаларни баён қилиш давомида шаҳар аҳолиси, шаҳардаги ҳарбий истеҳкомлар ва кўшин сони, солиқлар, маъмурий амалдорларнинг вазифалари, Қарши шаҳрининг тузилиши хусусида маълумотлар келтирилган.²⁰

¹⁶Верхние течение Амударьи // Туркестанские ведомости. – 1880. №12,17,21; Краткие сведения о результатах гиссарской экспедиции // ТВ. – 1875. – №28; Географический очерк Гиссарского края и Кулябского бекства // ТВ. – 1877. – №7; Город Карши // ТВ. – 1878. – №24, 25; Долина Сурхана // Туркестанские ведомости. – 1878. – №36.

¹⁷Маев Н.А. Географический очерк Гиссарского края //МСТК. Вып.5. – СПб., 1874. – С. 400.; Ўша муаллиф. Очерки горных бекств Бухарского ханства // Материалы для статистики Туркестанского края. – СПб., 1879. Вып. 5. – С. 77-332; Ўша муаллиф. Долина Сурхана // ТВ. – 1879. – №36; Рекогносцировка горных путей в Бухарском ханстве // Известия ИРГО. Т. XV. – СПб., 1879. – С. 87-99; Ўша муаллиф. Очерки Гиссарского края // ТВ. – 1882. – №10.// Ўша муаллиф. Очерки Бухарского ханства. – СПб., 1879; Ўша муаллиф. Бухоро хонлиги очерклари. Ўзбек тилига И.Ботиров таржимаси. – Тошкент, Фан ва технология, 2012. – Б. 180.

¹⁸ Бартольд В.В. История Туркестана – Соч. Т. II. – М., 1963; Ўша муаллиф. К истории орошения Туркестана. /Соч. – М., 1965. – Т. III; Ўша муаллиф. История культурной жизни Туркестана / Соч. – М; 1963, Т.II. Ч. I; Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (ист.-этног. очерк). – Ташкент, 1958. – С. 147; Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. – Ташкент: Фан, 1973. – С. 99.

¹⁹ Зимин Л.А. Нахшаб, Несеф, Карши. Их история и древности – В.В. Бартольду. – Ташкент, 1927.

²⁰ Вяткин В.Л. Қаршинский округ, организация в войска и события в период 1215-1217 (1800-1803) г.г.// Известия Среднеазиатского отделения Российкого общества. – Вып. VIII. – Ташкент, 1928.

Хуллас, ушбу давр тарихшунослиги ҳақида гап кетганда тадқиқотларда услубий моҳият чуқурлашгани, илмий таҳлил сезирарли даражада жонланганлигини кўришимиз мумкин.

Мустақиллик даври тадқиқотчиларининг олдига маданий ривожланишнинг тарихий, назарий жиҳатларини холисона илмий асосда ўрганиш долзарб масала сифатида вазифа қилиб қўйилди.

Кейинги йилларда нафақат пойтахт мақомидаги ҳудудлар тарихига, балки муайян шаҳарлар тарихига қизиқиш кузатилади. Д.Раazzoқов ва Ў.Мавлонов диссертацияларида Қашқадарё воҳасининг маданий ва савдо алоқаларига доир кенг кўламдаги маълумотлар берилган бўлса, А.Одилов, Г.Таниева, А.Ҳасанов, А.Холиқулов, Ж.Эштемиров, С.Давлатова, Ж.Бердиев, Ф.Ҳайитоваларнинг диссертацияларида²¹ Қарши шаҳри тарихига доир маълумотлар келтириб ўтилган. Н.Исмоилов, О.Бўриев, Қ.Насриддинов томонидан эса Қарши шаҳри ва регистони хусусидаги тарихий-этнографик маълумотлар ўрганилди. А.Ҳасановнинг “Қашқадарё воҳаси шаҳарсозлиги ва меъморчилиги (XVI-XIX асрлар)” монографиясида Қарши шаҳрининг тузилиши ва меъморчилик обидалари ҳақида кенг кўламли маълумотлар берилган. М.Ҳамидова, С.Давлатоваларни монографияларида Қарши шаҳридаги ҳунармандчилик турларига ҳам тўхталиб ўтилган. П.Равшановнинг “Қашқадарё тарихи” ва “Қарши тарихи” асарлари шаҳар тарихи ҳақида қимматли маълумотлар беради. А.Жуманазар, Ф.Бобожонова²² асарларида кушбеги архиви ҳужжатлари асосида Қарши шаҳрининг маҳаллий таълим тизими, мадрасалари, меъморий иншоотлари каби масалаларга тўхталиб

²¹ Мавлонов У.М. Торговье и культурные связи Кашкадарьинского оазиса в XVII-XIX вв.: Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент: ТашГУ, 1994. – С. 26; Раazzoқов Д. Бухоро хонлигини ташқи савдо алоқалари (XIX асрнинг 60-90-йиллари). Тарих фанлари номзоди диссертация. Қўлёзма. – Тошкент, 1994. – Б. 164; Одилов А.А. Бухоро амирлигидаги миллий озодлик ҳаракатлари тарихи (Абдумалик тўра бошчилигидаги халқ озодлик ҳаракати мисолида). Тарих фанлари номзоди дисс... Қўлёзма. – Тошкент, 2003. – Б. 196; Таниева Г. Қарши вилоятининг Бухоро амирлиги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туган ўрни (XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярми). Тарих фан. номз. дисс... – Тошкент, 2008. – Б. 170; Ҳасанов А.М. XVI-XIX асрларда шаҳарсозлик ва меъморчилик (Қашқадарё воҳаси мисолида). Тарих фан. номз. дисс...автореферати. – Тошкент, 2008. – Б. 26; Холиқулов А. XIX-XX аср бошларида Қашқадарё бекликлари. Тарих фан. номз. дисс... – Тошкент, 2011; Эштемиров Ж.С. XX-XXI аср бошларида Қарши шаҳар маданияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – Б. 48; Давлатова С.Т. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари анъанавий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). Тарих. фан. докт. дисс... Қўлёзма. – Тошкент, 2019. – Б. 260; Бердиев Ж. Жанубий Ўзбекистондаги шаҳарсозлик ва урбанизация тарихи (XVIII-XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Қарши, 2021. – Б. 30; Ҳайитова Ф. Ўзбек халқи этномаданиятида зиёрат ва зиёратгоҳлар тарихи (Қашқадарё воҳаси мисолида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Қарши, 2021. – Б. 54.

²² Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 783; Қарши тарихи. – Тошкент, 2006. – Б. 647; Насриддинов Қ. Қарши қалъаси. – Қарши, Насаф, 2005. – Б. 147; Ўша муаллиф. Қарши Регистони. – Тошкент: Тошкент Ислон университети, 2014. – Б. 144; Исмоилов Н. Бўриев О. Қарши Ўзбекистоннинг қадимий шаҳри. – Насаф. Қарши, 2006. – Б. 180; Абдусаттор Жуманазар. Насаф. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б. 204; Ҳамидова М. Қашқадарё воҳаси ҳунармандчилиги тарихи (XIX-XX аср бошлари). – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – Б. 144; Бўриев О., Очилов А. Қашқадарё воҳаси этномаданий қадриятлари. – Тошкент: Янги нашр, 2014. – Б. 364; Бобожонова Ф. Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Тошкент: Адиб нашриёти, 2014. – Б. 128; Давлатова С.Т. Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида (Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида). – Тошкент: Янги нашр, 2018. – Б. 368; Ҳасанов А. Қашқадарё воҳаси шаҳарсозлиги ва меъморчилиги (XVI-XIX асрлар). – Тошкент: Ворис нашриёти, 2019. – Б. 164.

ўтилган ҳамда шаҳарнинг ҳунармандчилигига оид қимматли маълумотлар келтирилган.

Мустақиллик йилларида Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейининг нишонланиши муносабати билан китоб-альбомлар, илмий тўпламлар нашр этилди²³. Ушбу нашрларда ҳам биз ўрганаётган даврга оид талайгина маълумотлар берилганки, ишимизда улардан унумли фойдаланилди.

Хуллас, мустақиллик даврида Ўзбекистонда шаҳарлар тарихи йўналиши шаклланиб, шаҳарлар тарихини ҳаққоний ва тарихий манбалар асосида холисона ўрганиш бошланди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Қарши шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

манғитлар ҳукмронлиги йилларида Қарши шаҳрининг тутган ўрни ва мавқеини кўрсатиш;

Қарши шаҳри ва унинг атрофларида (бекликда) марказий ҳокимият томонидан бошқарув тизимининг йўлга қўйилишини таҳлил этиш;

шаҳар дарвозалари ўрнини манбалар асосида аниқлаш, ҳозирги ҳолатига баҳо бериш ва маҳалла-гузарлари фаолиятини ёритиш;

мавжуд манбалар ҳамда замонавий адабиётлар асосида шаҳар аҳолисининг ижтимоий ҳаёти ва турмуши қандай кечганлигини очиб бериш;

Қарши шаҳрида мавжуд кўп тармоқли ҳунармандчиликдаги трансформация жараёнларини таҳлил этиш;

Қаршида мавжуд иқтисодий ҳаётни, хусусан, ички ва ташқи савдо-сотик муносабатларини тавсифлаш;

илм-фан ва маданият ривожини омилларини ва натижаларини, қаршилик зиёлиларнинг маданият ривожига қўшган ҳиссасини очиб бериш;

Қарши шаҳрининг меъморий ёдгорликлари, зиёратгоҳлари ва кадамжоларининг шаҳар маданияти ривожига аҳамиятини асослаш ва Қарши шаҳрининг муҳим туризм соҳасини ривожлантиришга оид хулосалар, таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Қарши шаҳри ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти белгилаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Қарши шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва маданий жараёнларни ёритиш ташкил этади.

²³ QARSHI. QARSHI. QARSHI. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига бағишланган китоб-альбом. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 210; Қарши шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни: Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига бағишланган Халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент – Қарши: Фан, 2006.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий-қиёсий таҳлил, таснифлаш, хронологик кетма-кетлик, холислик каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қарши шаҳрининг айнан ўрганилаётган даврда амирликнинг муҳим ҳарбий стратегик, сиёсий, иқтисодий таянч маркази даражасига кўтарилишига шаҳарнинг ҳимоя деворлари билан ўралганлиги, валиаҳднинг ҳоким бўлиши, шаҳарнинг ички ва ташқи савдо маркази бўлганлиги, бу жараёнларни ифодаловчи янги харита архивдан топилиб ишга жорий этилганлиги каби омиллар замин бўлганлиги далилланган;

Қарши шаҳрида манғитларнинг тўпланганлиги, ҳукмдорларни қўллаб-қувватловчи нуфузли давлат амалдорларининг Қарши воҳаси манғитлари орасидан (Қарши манғитлари орасидан шайхулислом, қозикалон, вилоят беклари, раислар ва ҳ.к.) тайинланиши шаҳарнинг амирлик сиёсий ҳаётидаги мавқеининг ошишига сабаб бўлган муҳим омиллардан эканлиги исботланган;

Шаҳарнинг маъмурий бошқарув тизими Термиз, Самарқанд, Каттакўрғон, Бухоро, Шаҳрисабз, Китоб ва бошқа шаҳарлар билан ўхшаш ва ўзига хос жиҳатлари аниқланиб, шаҳарни бевосита валиаҳд шахзодалар томонидан бошқарилганлиги далилланган;

Қарши шаҳридан ўтган, амирлик пойтахтини Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон ҳамда унинг Шаҳрисабз, Денов, Ҳисор каби шарқий ҳудудлари билан боғлайдиган асосий Қарши – Термиз – Келиф, Қарши – Ғузор – Шаҳрисабз – Самарқанд, Қарши – Косон – Кармана – Бухоро – Чоржўй каби савдо йўллари йўналишлари уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги роли хариталар орқали кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқотда шаҳарсозлик маданиятини ривожлантириш ва унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, Қарши шаҳри маданияти тарихини ўрганишга оид назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бухоро амирлигида сўнгги ўрта асрлар давомида содир бўлган урбанизация жараёнлари қиёсий ўрганилиб, бу даврга оид илмий адабиётлардаги Қарши шаҳри тарихига оид мавжуд маълумотлар тизимлаштирилган, кам ўрганилган жиҳатлари (тарихий топонимика, тарихий география, шаҳарнинг вазибалари) бўйича хулосалар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда тарих ва тарихшунослик фанида тан олинган ёндашув ҳамда усуллар қўлланилганлиги, кўп турдаги кам ўрганилган тарихий-илмий адабиётлардан фойдаланганлиги, асосий тарихий манбалар ҳамда маълумотларни тизимлаштириш ва умумлаштирилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Қарши шаҳрида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар тадқиқотларидан тарихий-қиёсий таҳлил, таснифлаш, хронологик кетма-кетлик усуллари ҳамда объективлик тамойили асосида тузилмавий-тизимли

тахлил асосида ёритилганлиги туфайли улардан мазкур муаммога оид назарий хулосаларни мукаммаллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Қарши шаҳрида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар мавзусига доир илмий натижалар ва амалий таклифлардан:

Қарши шаҳрининг айнан ўрганилаётган даврда амирликнинг муҳим ҳарбий стратегик, сиёсий, иқтисодий таянч маркази даражасига кўтарилишига шаҳарнинг ҳимоя деворлари билан ўралганлиги, валиаҳднинг ҳоким бўлиши, шаҳарнинг ички ва ташқи савдо маркази бўлганлиги, бу жараёнларни ифодаловчи янги харита архивдан топилиб ишга жорий этилганлиги каби омиллар замин бўлганлиги ҳақидаги илмий натижалар Ўзбекистон телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Ўзбекистон Ипак йўлларида” кўрсатувининг Қашқадарё сонини тайёрлашда фойдаланилган (“O‘zbekiston tarixi” телеканалининг 2020 йил 19 октябрдаги 02-40-979-сон далолатномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши шаҳарлар ўртасидаги боғлиқлик вужудга келганлиги ва тараққий этиб бориш жараёни бўйича аниқ хулосалар чиқариш имконини берган;

Қарши шаҳрида манғитларнинг тўпланганлиги, ҳукмдорларни қўллаб-қувватловчи нуфузли давлат амалдорларининг Қарши воҳаси манғитлари орасидан (Қарши манғитлари орасидан шайхулислом, қозикалон, вилоят беклари, раислар ва ҳ.к.) тайинланиши шаҳарнинг амирлик сиёсий ҳаётидаги мавқеининг ошишига сабаб бўлган муҳим омиллардан эканлиги ҳақидаги илмий натижалар “O‘zbekiston tarixi” (2-қисм). Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2018) номли дарслигининг тегишли бўлимларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 июндаги 531-сон буйруғига асосан нашр рухсатномаси (рўйхатга олиш рақами 531-281). Илмий натижаларнинг қўлланилиши манбаларда шаҳарнинг маъмурий бошқарув тузилиши, шаҳарни бевосита валиаҳд шахзодалар томонидан бошқарилишига оид илмий мулоҳазаларни очиб бериш имконини берган;

Қарши шаҳридан ўтган, амирлик пойтахтини Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон ҳамда унинг Шаҳрисабз, Денов, Ҳисор каби шарқий ҳудудлари билан боғлайдиган асосий Қарши – Термиз – Келиф, Қарши – Ғузор – Шаҳрисабз – Самарқанд, Қарши – Косон – Кармана – Бухоро – Чоржўй каби савдо йўллари йўналишлари уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги роли хариталар орқали кўрсатиб берилган таклиф ечимларидан Маданий мерос агентлиги фаолиятида туризм ва музейларни янада бойитиш амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигининг 2022 йил 7 февралдаги 01-01/308-сон маълумотномаси). Бу эса шаҳарнинг Бухоро амирлиги шарқий бекликлари билан боғлайдиган асосий йўллар, ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрни ҳамда Қарши шаҳрининг тарихий муҳитини сақлаш ва туризмни ривожлантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, илмий-амалий ва илмий-назарий конференцияларда, шу жумладан, 5 та республика ва 2 та халқаро конференция ва семинарларда ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашларда 9 та (7 республика ва 2 та хорижий журналларда) мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад ва вазифалар аниқлаштирилиб, ишнинг объекти ва предмети, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, тадқиқотнинг ҳажми, тузилиши, диссертант эълон қилган ишлар рўйхати ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби – **“XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Қарши шаҳрининг маъмурий тузилиши, бошқаруви ва ижтимоий ҳаёти”** деб номланиб, унда манғитлар ҳукмронлиги йилларида Қарши шаҳрининг амирликда тутган ўрни мавқеи, бошқарув тизими ва сиёсий жараёнлар, шаҳар дарвозалари ва маҳалла-гузарлари, аҳолининг ижтимоий ҳаёти таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи – **“Манғитлар ҳукмронлиги йилларида Қарши шаҳрининг амирликда тутган ўрни, мавқеи, бошқарув тизими ва сиёсий жараёнлар”** деб номланади.

Қарши шаҳри тузилишига кўра, амирликдаги бошқа шаҳарлардан кам фарқ қилган. Минтақа шаҳарсозлигидаги умумий анъаналарига кўра шаҳар 2 қисмдан ўрда ва кўрғондан иборат бўлган. XVIII аср охири – XIX аср бошларида Қарши шаҳри 3 қисмдан: ўрда, кўрғон ва работдан²⁴ ташкил топган йирик шаҳарга айланади. Биринчи девор ўрдани эски шаҳардан ажратиб турган, иккинчиси эски шаҳар ва кўрғонни ўраб турган, учинчи девор эса қалъани атроф қишлоқлардан ажратиб турган. Ташқи шаҳар қисми қалъаси Қашқадарё кўпригидан ўтгач, унинг боғларидан бошланиб, кўприкдан эски шаҳаргача тош йўл ўтказилган. Пахсадан кўтарилиб, тўртта дарвозага эга бўлган девор кўрғонни ҳалқадек ўраб турган ва шаҳарнинг ташқи девори ҳисобланган.

²⁴ Ўрда – ҳукмдорлар қароргоҳи, пойхат, сарой. Кўрғон – узок муддатли истехкомлар, деворлар билан мустаҳкамланган жой, шаҳар, қалъа. Работ ўрта асрларда арабларнинг мустаҳкамланган қароргоҳи. Кейинчалик фақат кўрғон, истехком маъносидагина эмас, балки карвонсарой мазмунида ҳам тушунилган.

Н.Хаников Қарши шаҳрини мана шу қисми билан қўшиб ҳисоблаганда умумий кенглиги 8-9 верстни²⁵ конуссимон тепаликда қурилган ўрда 2,25 га майдонни эгаллашини келтириб ўтган²⁶. Маҳаллий ҳукмдорнинг қароргоҳи ҳисобланган ўрда тўртбурчак шаклида, қалинлиги 5 м, баландлиги 3-4 саженли (2.13 метрга тенг узунлик ўлчов бирлиги) мудофаа девори билан ўралган бўлиб, қўндаланг эни тахминан 3-3,5 верстни, умумий майдони эса 40 га ни ташкил этган ва битта дарвозага (Сақлов дарвоза) эга бўлган²⁷. Қарши қалъаси шимоли-шарқий деворининг узунлиги тахминан 120 м, жанубий деворлариники 150 м ва 160 м, шимоли ғарбий деворининг узунлиги эса 180 метрни ташкил этган²⁸. Ҳажмига кўра Қарши ўрдаси Бухоро арки ва Шаҳрисабздаги ўрда майдонларидан катта бўлган. Бу ерда манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Бухоро тахти валиаҳдларининг аксарияти яшаганликлари маълум.

Қарши беги қароргоҳи – қалъа ичидаги қалъа сифатида қайд этилган²⁹, у шаҳарни амир рухсатисиз тарк этиши мумкин бўлмаган. Бек ҳокимиятининг асоси давлат хазинаси ва ўз ҳисобига аҳолидан солиқ йиғишдан иборат эди. У вилоятдаги доимий қўшин эҳтиёжлари учун қайғураб ва йиғдирган солиқларининг бир қисмини қўшинни молиявий таъминотига сарфланарди. Ҳатто нотинч вақтларда амирнинг ҳарбий юришларига белгиланган миқдорда навқар тўплаб бериши лозим бўлган. Бухоро амирлиги бекликлари бошқарувида ҳар бир бекнинг тўқсоба, мирзабоши, ясовулбоши, мирохўр каби ёрдамчилари фаолият олиб борар эдилар³⁰.

Қарши беклигидаги ҳар бир амлокдорликнинг раислари мавжуд бўлган. Қарши шаҳри раиси Қуръонни, шариат қонунларини яхши билган шахс ҳисобланган. У аҳолининг диний ва дунёвий ишларини ана шулар асосида назорат қилиб турган, ҳуқуқ тартибот ишларини ҳам кузатиб борган ва аҳоли ўртасидаги низоли масалаларни ҳал қилган. Унча жиддий бўлмаган жиноят содир этганларни судсиз ўзи жазолаган. Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва бошқа маҳсулотларининг бозор куни сотиладиган нархларини халққа эълон қилиш ва бозорни очиш ҳам унинг вазифасига кирган ҳамда раис маҳсулотларга қўйган нарх эълон қилинмагунча бозор очилмаган³¹.

1870 йилда Шаҳрисабз беклиги Бухоро амирлигига тўла бўйсундирилгандан сўнг вилоятлар амир томонидан тайинланган ҳокимлар ёки беклар томонидан бошқарилди. Ўз аҳамияти ва салоҳияти жиҳатидан муҳим ўрин эгаллаган Қарши, Кармана, Шаҳрисабз каби бекликлар амирнинг ўғиллари ёки яқин қариндошлари томонидан бошқариларди. Шунга кўра Саййид Олимхон валиаҳд сифатида Қаршида ҳокимлик қилган. Амир Абдулаҳадхон ўғлини тажрибасизлигини инобатга олиб, Усмонбекни оқсоқол қилиб юборади. Саййид Олимхон Қарши беклигини бошқаришда Усмонбекнинг маслаҳатларига

²⁵ Верст – Россия империясида ишлатилган узунлик ўлчов бирлиги, 1 верст 1066 метрга тенг.

²⁶ Хаников Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С. 94.

²⁷ Маев Н. Город Карши. – Туркестанские ведомости. – 1879. – № 24.

²⁸ Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. – Ташкент, 1973. – С. 73.

²⁹ Насриддинов Қ. Қарши регистони. Тошкент ислом унивеситети. – Тошкент, 2014. – Б. 101.

³⁰ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: Восточная литература, РАН, 2003. – С. 271.

³¹ Таниева Г. Қарши беклиги тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 2006. – Б. 16-17.

таянган³². Амир Олимхон ҳукмронлик йилларида дастлаб Сайидбек, кейинчалик Тоғайбек Қаршига ҳокимлик қилган³³.

Ушбу биринчи бобнинг иккинчи параграфи – “**Шаҳар дарвозалари ва маҳалла-гузарлари, аҳолининг ижтимоий ҳаёти**” деб номланади. Ўрта Осиёдаги энг йирик шаҳарлардан бири ҳисобланган Қарши шаҳри ҳам ўз дарвозаларига эга бўлган, Истахрий, Мақдисий, Ибн Хавқал каби муаллифлар Насафда Самарқанд, Кеш, Нажжория ва Ғубдин дарвозаларининг мавжудлигини тилга олишган³⁴. Манбаларда шаҳардаги Ал-Максура (Ғубдии дарвозасига мос келади) ва Вассаф каби иккинчи даражали дарвозаларнинг номлари ҳам келтирилган³⁵. Бошқа манбаларда эса Қаршидаги тўрт дарвозанинг номи қайд этилган: Бухоро, Самарқанд, Кеш ва Ғубдин³⁶. Шунингдек, М.Е.Массон, О.А.Сухарева, П.Равшанов, Т.Нафасов, О.Бўриев, Қ.Насриддинов, А.Ҳасанов каби олимлар асарларида ҳам Қарши шаҳри дарвозалари ҳақида маълумотлар учрайди.

Қарши қалъасининг шарқ шаҳарсозлик анъаналарига мувофиқ қурилган бир нечта дарвозаси бўлган. Қалъа дарвозаларининг сонини аниқ кўрсатмаётганимизни сабаби шуки, улар ҳақидаги малумотлар турлича бўлиб чиқди. Жумладан, манбаларда келтирилишича тарихда Қарши қалъасининг дарвозалари 4 та эканлиги қайд этилиб, қалъага шимоли-шарқдан – Хиёбон, жануби-шарқдан – Тутак, жануби-ғарбдан – Шаршара ва шимоли-ғарбдан – Қарлуқхона дарвозалари орқали кирилганлиги кўрсатилган³⁷. М.Е.Массон ҳам қалъа дарвозалари тўртта эканлигини кўрсатган³⁸. Бошқа маълумотларга кўра, Чармгар, Тутак ва Қарлуқхона номли дарвозалар бўлганлигини ва тўртинчи – Шаршара дарвозаси Олимхон беклиги даврида бунёд этилганлигини ҳақида маълумот беради³⁹. Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган Қарши қалъасининг режа – харитасида ҳақиқатан ҳам қалъа дарвозалари учта эканлиги кўрсатилган.

Қарши қалъаси ичидаги аркда, яъни бек ўрдасида Бухоро амири тахт ворислари ва Қарши беги бемалол кириб чиқиш ҳуқуқига эга эди. Арк (ўрда) девор билан ўралган ва у ерга кирадиган битта йўлак мавжуд бўлиб, у Сақлов дарвоза деб аталган⁴⁰. Бу дарвоза Шаршара дарвоза билан Арк (ўрда) ўртасида жойлашган. М.Е.Массон Чармгар дарвоза ҳақида фикр юритиб, Янги дарвоза деган номларини ҳам келтирган⁴¹. Бу дарвоза Чармгар дарвозасининг қуйисида жойлашган ва узоқ вақт сақланмаган, ҳамда доимий турғун бўлиб қолмаган. Юқоридаги тўрт дарвозага нисбатан энг кейинги қурилган дарвоза ҳисобланади. Шаҳарнинг бешинчи дарвозаси саналиб,

³² Фитрат А. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. – Тошкент: Минхож, 1992. – Б. 12.

³³ Равшанова Г, Равшанов П. Мозий сабоғи. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2009. – Б. 13.

³⁴ Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Тошкент, 1995. – Б. 332-333.

³⁵ Исмоилов Н. Бўриев О. Қарши – Ўзбекистоннинг қадимий шаҳри. – Қарши, Насаф, 2006. – Б. 57.

³⁶ Камолиддинов С.Ш. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начало XII. – Ташкент, 1996. – С. 51.

³⁷ Насриддинов Қ. Қарши регистони. – Б. 50.

³⁸ Массон М. Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. – С. 87.

³⁹ Насриддинов Қ. Қарши регистони. – Тошкент, 2014. – Б. 50.

⁴⁰ Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент, 1958. – С. 114.

⁴¹ Массон М. Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. – С. 75.

кадимий дарвозалар сингари катта мавқега эга бўлмаган ва XIX аср охири – XX асрнинг бошларида сақланиб қолмаган.

Бухоро амирлигининг энг йирик сиёсий ва маъмурий шаҳри ҳисобланган ҳамда 1920 йилгача нуфузи жиҳатидан иккинчи ўринда турган Қарши шаҳрида XX асрнинг бошларида 20дан зиёд маҳалла (гузар)лар фаолият юритган. Маълумки, Қарши шаҳри маҳалла (гузар)лари тарихи О.А.Сухареванинг “Бухоро хонлиги шаҳарлари тарихига доир” (1958) асарида Қарши шаҳридаги қуйидаги маҳаллалар рўйхати келтирилган: Мирдашуй, Мирзалот, Оғалик, Чубин, Хонако, Ҳаррот, Шаршара, Бегларбеги, Хитой, Уймаут, Эронгузар, Қозихона, Ҳарамсарой, Дарвозайитутак, Бойгузари, Мирзалатиф, Темирчи, Ҳолвагар, Кулолгузар, Чилонгарон ва бошқалар⁴².

Мазкур асарда шаҳарга туташган 20 тача қишлоқ (маҳаллотлар)нинг номи ҳам тилга олинган: Чармгар, Қўрғонча, Зоғза, Арабхона (Қумработ), Бузработ (Бузруқобод), Бешгумбаз, Махсумобод, Қарлуқхона⁴³. Шунингдек, тўпланган этнографик маълумотларга кўра шаҳарда яна қуйидаги маҳалла (гузар)лар фаолият юритганлиги ҳам айтиб ўтишимиз лозим: Дегрез, Мисгарлик, Сандиқчи, Дукчи, Косагир, Дурадгор, Алачабоф. Ушбу маҳалла (гузар)ларнинг номлари тўлиқ эмас, бу яна кўшимча илмий изланишларни давом эттиришни талаб қилади, албатта.

Қарши шаҳри Самарқанд сингари қитъа ёки Тошкент шаҳрига ўхшаб даҳаларга бўлинмаган. Шаҳар икки қисмдан иборат бўлган. Биринчи қисм шаҳарнинг марказий қисми яъни, қўрғон, иккинчи қисми қўрғон атрофи эллар (маҳаллотлар)дан ташкил топган. Биринчи, яъни шаҳар қўрғонида илм аҳли, амалдор ва бой савдогарлар истиқомат қилган бўлса, иккинчи қисмида ҳунарманд, деҳқон, майда савдогарлар истиқомат қилишган⁴⁴. Маҳаллалардан кейин эса кўплаб боғ-роғ, узумзор, полиз ва томорқа майдонларига эга бўлган маҳаллотлар жойлашган⁴⁵.

Хулоса қилиб шунини айтишимиз мумкинки, Бухорода ҳукмдорлик манғитлар қўлига ўтгач, Қарши шаҳри ҳаётида янги босқич бошланди. Шаҳар ҳудуди кенгайиб, аҳоли сони ошиб янгидан янги маҳаллалар вужудга келди.

Диссертациянинг иккинчи боби – **“Қарши шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида трансформация жараёнлари”** деб номланиб, унда шаҳардаги ҳунармандчиликда трансформация жараёнлари ва савдо-сотик муносабатлари билан боғлиқ жиҳатлар тадқиқ этилган. Ушбу бобнинг биринчи параграфи – **“Шаҳардаги ҳунармандчиликда трансформация жараёнлари”** деб номланган. XVIII аср охири – XX аср бошларида ҳам Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарлари Қашқадарё воҳасининг иқтисодий ва маданий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб, йирик савдо маркази ва ҳунармандчилик маркази сифатида етакчи ўрин тутган. Қишлоқ хўжалиги хом ашёларини қайта ишлаш билан боғлиқ ҳунармандчилик соҳалари қишлоқларда тараққий этган, уй ҳунармандчилиги ривожланган. Ҳунармандлар

⁴² Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – С. 115.

⁴³ Ўша асар. – С. 116

⁴⁴ Таниева Г. Қарши беклиги тарихидан лавҳалар. – Б. 19.

⁴⁵ Ўз МА. И-1-фонд, 34-руйхат, 54-иш, 10-варак.

гузарлари шаҳарларнинг маълум қисмларида, баъзи ҳолларда эса у ёки бу хунармандчилик тури учун зарур табиий шароитларни инобатга олган ҳолда жойлашишган. Масалан, қассоблар, тери ошловчилар ва умуман катта миқдорда сувдан фойдаланиб ишловчи касб-хунар эгалари шаҳарнинг, серсув сой оқиб ўтувчи ва бир қанча булоқ мавжуд бўлган қисмида жойлашган. Бир турдаги касб эгаларининг ёнма-ён гузарларда жойлашганини ҳам кузатиш мумкин⁴⁶.

Қарши хунармандлари турли газламалар, хусусан, ипакдан олтин ва кумуш безакли йўл йўл парчалар, атласлар, бахмаллар, пахтадан эса дока, олача, бўз ва бошқа матолар тўқиганлар. Тўқимачиликда асосий маҳсулот бўлган пахта хом ашёси Қарши шаҳри атрофларида кўплаб етиштирилган. Д.Н.Логофетнинг маълумотларига қараганда, Қаршида катта миқдорда пахта (ғўза) етиштирилган⁴⁷. Қаршида ғўзанинг 2 нави, яъни ғўзай сафед ва ғўзай макка навлари ўстирилган⁴⁸. П.И.Демезон ҳам Қаршида пахта етиштирилгани ҳақида маълумот бериб, Қарши пахтасининг сифатини паст даражада деб баҳолаган⁴⁹. Бухоро бозорларида Қарши пахтасининг бир ботмони⁵⁰ 42-46 тангага нархланган⁵¹. Қарши шаҳрида тайёрланадиган матолар ичида бўзнинг салмоғи катта эди. Бу оддий, мустаҳкам ва иссиқ мато пахта ипидан тайёрланган. Ўрта Осиёнинг деярли барча ҳудудларида тайёрланган бу матони Қарши шаҳрида ҳам кўп миқдорда тайёрлашган. Маҳсумобод маҳалласида бўзга бўёқ, гул босиб чит ишлаб чиқарилган⁵².

Жумладан, Қарши шаҳридаги Юқори Зоғза (Зоғза Хожа) аҳолиси олача тўқиш хунарида маҳорат ҳосил қилган эди. Зоғза Хожа олача матоси пишиқлиги, рангининг йўл-йўл беаги билан алоҳида ажралиб турган. Бу газмол қалин елимланганлиги учун дағалроқ кўринар, оловда тез ёниш хусусияти ҳам бўлган. Шунга қарамай, у қиммат нархга сотиларган. Зоғза Хожа олачасининг асосий харидорлари ўзига тўқ шаҳарликлар ва чўл ҳудуддан келувчи бой чорвадорлар ҳисобланган⁵³.

Шаҳар кулолчилиги, бу – кенг ишлаб чиқариш ҳажмига эга бўлган кулолчилик устахоналарида кулолчилик чархи асосида кенг истеъмолчилар учун мўлжалланган ишлаб чиқаришидир. Маҳсус устахоналар томонидан катта-катта миқдорда ишлаб чиқарилган бу маҳсулотлар товар хусусиятига эга бўлган. Қарши кулоллари турли шаклга эга жуда юпқа ва нозик идишлар яшашда моҳир бўлганлар⁵⁴. Шаҳарларда кулоллар алоҳида бўлиб, маҳсус гузарда яшаганлар⁵⁵. Барча сопол идишлар сирланган ва сирланмаган

⁴⁶ Сагдуллаев А.С. ва бошқалар. Қадимги Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 1998. – Б. 97.

⁴⁷ Логофет Д. Н. На границах Средней Азии: Путевые очерки. вь 3-хъ кпигахъ. – СПб., 1909. – С. 116-117.

⁴⁸ Ханьков Н. Описание Бухарского ханства... – С. 112.

⁴⁹ Записки о Бухарском ханстве, (Отчёты П.И.Демезона и И.В.Виткевича). – М.: Наука, 1983. – С. 75.

⁵⁰ Бир ботмон 131 кг тенг бўлган.

⁵¹ Холикова Р. Россия-Бухоро тарих чорраҳасида (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – Б. 87.

⁵² Давлатова С. Ўзбек анъанавий хунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида (Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида). – Тошкент: Янги нашр, 2018. – Б. 86.

⁵³ Равшанов П. Қарши тарихи. – Б. 609.

⁵⁴ Агзамова Г.А. XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти. Тарих фанлари доктори диссертацияси. – Тошкент, 2000. – Б. 151.

⁵⁵ Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – С. 137.

турларга бўлинади. Сирланган идишларга лаган, коса, товоқ, пиёла ва хоказолар киради. Сирланмаган кулолчилик маҳсулотларига, асосан, йирик кўзагарлик маҳсулотлари тандир, йирик ҳажмли кўзалар кирган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида **“Савдо-сотик муносабатлари. Ички ва ташқи савдо”** таҳлил этилган. Рус сайёҳи ва географи Н.А.Маев Қарши шаҳри ҳақида қуйидагича маълумот берган, “Ўзининг қулай жойлашувига кўра Қарши шаҳри атрофидаги даштларда яшайдиган туркманларнинг бозорига ва улкан Бухоро бозорининг эса муҳим транзит масканига айланган. Бухородан шарққа ва жанубий шарққа қараб кетаётган ҳар бир киши Қаршини четлаб ўта олмайди. Шаҳар ичида ҳам бир бирига тутшиб кетган расталар ва ёпиқ саройлар бор. Қарши шаҳар сифатида маъмурий жиҳатдан эмас, кўпроқ савдо-сотик ишлари учун қулай жойлашуви туфайли мавжуд бўлиб турган таракқий этаётганга ўхшайди. Кўчаларидан айланиб ўтсангиз шовқинли бозорда ҳамиша ишлаб турган ва нима биландир банд одамларни кўрасиз. Бу ерда сиз юзидан муғомбирлик билиниб турган тожикни ҳам, ўзбекни ҳам, қўй жунидан тайёрланган катта қора телпак кийиб олган дашт фарзанди туркманни ҳам кўрасиз”⁵⁶.

Шаҳарлар йирик савдо марказлари сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этган. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида шаҳар аҳолисининг асосий қисмининг асосий машғулоти савдо-сотик эди. Энг йирик савдо шаҳри бўлган Қарши бутун Бухоро амирлигининг савдо алоқаларида катта ўрин тутган. Қарши шаҳри катта карвон йўлининг чорраҳасида жойлашганлиги туфайли бу йўл орқали шаҳар шарқ ва ғарб, жануб ва шимолий ўлкалар ва мамлакатлар билан доимий алоқада бўлган. Қарши шаҳри Бухоро воҳасини Шаҳрисабз ва Ҳисор билан боғлаб турувчи Бухоро амирлигидаги муҳим аҳамиятга эга шаҳар ҳисобланади.

Ҳиндистондан келтирилган турли матолар Қарши бозори орқали воҳага тарқалган. Хусусан, Панжобдан келтирилган оқ матога аҳоли орасида талаб катта бўлган⁵⁷. Қаршида Ҳиндистондан келтириладиган пахта, ипак иплари, матоларни бўяшда ишлатиладиган бўёқ индиго ҳам сотилган⁵⁸. Ҳиндистондан келтирилиб, Қарши бозори орқали воҳага сотиладиган маҳсулотлар ичида кўк чойни ҳам айтиб ўтиш ўринли бўлади⁵⁹. Қаршида шунингдек, Россиядан (XIX аср сўнггида), Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистондан келтирилган доривор ўсимлик илдизлари, ўтлар ва дори дармонлар сотилган⁶⁰. Қарши бозорида воҳа аҳолисининг бой ва ўзига тўқ оилалари Хитойдан келтирилган чинни идишлар пиёла, чойнак, коса-товоқларни кўплаб харид қилишган⁶¹.

Шу тариқа, Қарши Амударёга қадар чўзилган улкан дашт чўл ҳудудидаги йирик савдо маркази сифатида катта аҳамиятга эга эди. Шаҳар карвонсаройларида тўхтаган савдогарлар ҳар бир сотиладиган маҳсулот учун амирлик хазинасига бож тўлаганлиги тарихий маълумотлардан билиш мумкин. Масалан, бу ерда

⁵⁶ Маев Н.А. Бухоро ҳонлиги очерклари. – Б. 42.

⁵⁷ Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. – С. 114.

⁵⁸ Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. – С. 92.

⁵⁹ Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. – С. 115.

⁶⁰ Записки о Бухарском ханстве. – С. 51.

⁶¹ Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. – С. 92.

савдо карвонлари 1 та туя юки учун 105 танга, 1 та туянинг ўзи учун 51 танга, от учун 32, эшак учун 15, кулларнинг ҳар бири учун 88 тангадан закот тўлаган⁶².

Қаршининг савдо-сотик муносабатлардаги нуфузи мавқеини янада тўлароқ баён қилиш учун унинг бозорлари хусусида ҳам тўхталиб ўтиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бекликнинг маъмурий маркази Қарши шаҳрида унинг Чорсу бозорини ҳисобга олмаганда, шаҳар ташқарисида яна иккита асосий йирик бозор мавжуд бўлган. Биринчиси, яъни қуйи бозор кўрғоннинг шимоли-ғарбий девори ёнида, иккинчиси юқори бозор эса қалъанинг жанубида жойлашган бўлган⁶³. Бозорда турли расталар ва дўконлар мавжуд бўлиб, улар асосан, сотиладиган маҳсулот турининг номига “бозор” сўзи қўшилиб, масалан, “Чой бозори”, “Буғдой бозори”, “Арпа бозори”, “Туруч бозори” ва ҳоказо расталар шу тарзда турли номлар билан аталган.

Қарши бозорлари ва расталари ҳам бошқа жойлардаги сингари доимий ва мавсумий хусусиятга эга бўлган. Ҳунармандчилик буюмлари сотиладиган бозор ва расталарда харидор ва сотувчилар ҳар доим гавжум бўлган. Гўшт, хўл мева, сут ва сут маҳсулотлари каби тез бузиладиган моллар ҳар куни фақат тушгача сотувда бўлган. Чорва моллари ва ғалла савдоси эса, асосан, куз ойлари ва қиш фасли бошида қизгин тус олган.

Хуллас, XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида, оммавий истеъмол молларига бўлган талабнинг ошиши, ички ва ташқи савдонинг ривожини ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишига олиб келди. Қарши шаҳридаги бозорларда маҳаллий маҳсулотлар билан бирга чет эл маҳсулотлари ҳам сотилган бўлиб, савдо-сотик ишлари шаҳар аҳолиси ва амирлик хазинасига катта даромад олиб келган.

Диссертациянинг учинчи боби – **“Қарши шаҳрида маданий-маърифий ҳаёт”** деб номланиб, унда шаҳарда таълим тизимининг ривожланиши масалалари, Қарши адабий муҳитининг ривожини ва шаҳарнинг меъморий ёдгорликлари ёритилган. Ушбу бобнинг биринчи параграфи – **“Шаҳарда таълим тизимининг ривожланиши масалалари”** деб номланади. Қарши шаҳридаги ўқув даргоҳлари таълим даражаси ва табақаланиши мадраса ва ҳужраларда дарс берадиган мударрисларнинг унвонига ва моддий таъминотига боғлиқ бўлган. Мадрасалар олий, ўрта ва қуйи тоифаларга бўлинган⁶⁴. Олий мадрасаларда охунд, аълам ва муфтийлар дарс ўтишган. Ўрта мадрасаларга банораспўш мударрислар ўқитган. Қуйи мадрасаларда дарс берувчилар мударрис дейилган. Мактаб ўқитувчилари мактабдор деб аталган⁶⁵.

Мактабларда ўғил болаларни ўқитган киши “домла”, “устод”, “устоз”, “муаллим” деб аталган. Қизларни ўқитган аёлларни эса “отинойи” ёки “отинбиби” (Тошкентда), “бибихалифа” ёки “бибиотин” (Бухорода), “элтибиби” (Хоразмда) деб аталган⁶⁶. Айрим анъанавий мактабларда дарс бериш билан шуғулланувчи домланинг иш ҳақи вақфномада белгиланган маблағдан

⁶² Таниева Г. Қарши беклиги тарихидан лавҳалар. – Б. 32.

⁶³ Насриддинов Қ. Қарши регистони. – Б. 116.

⁶⁴ Фитрат А. Танланган асарлар. I жилд. Хинд сайёҳи. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 111-112.

⁶⁵ Ўз МА. И-126.118-варақ.

⁶⁶ Ўша асар, ўша жойда

тўланган⁶⁷. Мадрасалар қурилгач, у мадраса бошқарувчиси (мутавалли)га топширилган ва уни қурдирган шахснинг тасарруфидан чиқарилиб, вақф мулкига айлантирилган. Шариатга мувофиқ вақф мулк бўлмайди, вақфдан келган фойдани вақфга тегишли ерларни таъмирлаш, тузатишга сарф қилинган. Қарши шаҳридаги Олий мадрасада Муҳаммад Ҳакимбий меҳтар ва унинг авлодлари мутавалли вазифасини бажаришган⁶⁸.

Қарши шаҳридаги мадрасаларнинг ҳам ўз вақф мулклар бўлган. Амир Шоҳмурод Қарши шаҳри атрофидаги Хонаки, Дарча, Ушоқтепа, Фулоди (Пўлати – М.У) қишлоғи ҳудудидан ер сотиб олиб бу ерларни Мир Бекабий мадрасасига вақф қилиб берган⁶⁹. Амир Ҳайдар Олий мадрасаси учун Жўйи баланд, Таҳзан (Тайзан), Туман, Обдида, Пирон, Оқжангал, Пудина, Янги мазор, Чўғдумба, Жалолиддин, Шулук боло, Чорбоғ, Сор михон, Даҳяк, Каҳлак мавзеларидан вақф мулки ажратиб берган⁷⁰. Бухоро амирлигида вақфи мавжуд мадрасалардан ташқари вақф мулкига эга бўлмаган мадрасалар ҳам бўлган. Қарши шаҳридаги Додхоҳ, Қозихона мадрасалари ана шундай турдаги мадрасалар ҳисобланган⁷¹. Қарши шаҳридаги мактаб ва мадрасаларнинг вақф мулкларидан ушр солиғи олинган⁷². Ушр солиғи, асосан, фақир ва мискинлар манфаати учун ундирилган. Абдуллахон мадрасаси вақфидан XX асрнинг бошларида 250 сўм, Олий мадрасаси вақфидан эса 150 сўм ушр солиғи ундирилган⁷³.

Қарши шаҳридаги бошланғич мактаблар маҳаллалардаги масжидлар қошида фаолият олиб борган. Мирзо Латиф гузарида жойлашган Қози Базаркий масжидининг шимолий тарафида мазкур гузарнинг мактабхонаси жойлашган бўлса, Тоқидузон масжидининг ғарб томонида Тоқидузон гузарининг мактаб хонаси фаолият олиб борган⁷⁴. Мактабхоналар ёғоч, хом ва пишиқ ғиштдан бино қилинган. Мактабхона биноси одатда бир хонадан иборат бўлиб, болалар бўйра ёки гилам (тўшамча, шолча) устида ўтиришган⁷⁵. Мактабнинг хоналари кичик, тор бўлиб, ёруглик тушмайдиган қоронғи, ўқувчилар ўтирадиган жой эса нам ва зах бўлган⁷⁶. Ўғил болалар мактабхоналарида масжид қавми томонидан таклиф этилган масжид имоми, муаззини ёки мадрасани тугатган киши муаллимлик қилган.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи – **“Қарши адабий муҳитининг ривожини”** деб номланади. Қарши маданий ҳаётининг асосий қиррасини бадиий ижодиёт ташкил этган. Фаннинг турли йўналишлари бўйича, тарих ва адабиёт соҳасида, айниқса, кўплаб асарлар яратилган. Қарши шаҳри XIX асрда маданий ва маънавий ҳаётида ўзига хос ўрин тутган кўпгина олимлар, шоирлар, муаррихлар етишиб чиққанлар. Бу ўринда “Тухфат ал-хоний”

⁶⁷ Ўз МА. 1010-фонд, 1- рўйхат, 66-иш, 23-варак.

⁶⁸ Абдусаттор Жуманазар. Насаф. – Б. 139.

⁶⁹ Ўз МА. И-323. 115-5.

⁷⁰ Абдусаттор Жуманазар. Насаф. – Б. 137-138.

⁷¹ Ўша асар. – Б. 158-159.

⁷² Ўз МА. И-126. 930-1

⁷³ ҚВАИБ. Ф-129. 1-2-1.

⁷⁴ Абдусаттор Жуманазар. Насаф. – Б. 96-97.

⁷⁵ Ўз МА. 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 7-варак.

⁷⁶ Ўз МА. 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 9-варак.

асарининг муаллифларидан бири домулло Олимбек Насафий, “Мўъжаз ал-қонун”ни ёзган Алоуддин Али ал Қарший, “Расоил ал-вусул” ижодкори Иброҳим бин Ҳаким ал-Кеший, “Девони Озар” соҳиби мулло Абдулҳолик Озар ан-Насафий, “Девони Насим”ни тайёрлаган Хожа Амир Насим Насафий, “Шарҳ ал-хомат” асари билан танилган Комил бин Камол Насафийлар номини алоҳида тилга олиш лозим бўлади⁷⁷.

XVII аср охирлари – XVIII аср бошларида яшаган Ломейй Насафий таниқли шоир ва таржимон бўлган. Унинг ҳаёти уч жойда: Қаршида, Бухорода ва умрининг охири Ҳиндистонда кечган. Ломейй Насафий ўз даврининг машҳур шоири, ҳамюрти Сайидо Насафийнинг замондоши бўлган. У Бухорода Абдулазизхон ҳукмронлик қилган йилларда сарой шоирларидан бўлган. Абдулазизхон шоирларга раҳнамолик қилишда ажралиб турган. Унинг саройида ўша вақтларда Турди Фароғий, Сайидо Насафийлар ҳам катта ҳурматга ноил бўлганлар. Ҳокимият Субхонқулихон кўлига ўтгач, кўпгина сарой аъёнлари қатори шоир ва санъаткорлар ҳам саройдан қувилган. Ломейй Насафий Ҳиндистонга, Бобурийлар ҳузурига йўл олади. Аврангзеб (1658-1707) ҳукмронлиги йилларида саройда катта обрў-эътибор қозонади⁷⁸.

Саидхожа Насафий машҳур шоир, Сайидонинг кичик замондоши бўлиб, бадиий ижодда унинг таъсирида бўлган. Бу ҳолни Саидхожанинг асарлари мисолида кўриш мумкин. Саидхожа Насафийнинг адабий мероси ҳали етарлича ўрганилган эмас. “Мазҳар ул-мусаннифин” муаллифи Нурмуҳаммад Насафий ўз тазкирасида Саидхожанинг “Боғча ва бўстон”, “Шохча ва бўстон”, “Китоби ҳамиша баҳор”, “Хобу хаёл”, “Фироқу висол” сингари дostonлари ва шеърлар девони ҳақида хабар беради.

XVIII асрда Қарши шаҳрида яшаб, ижод этган шоир Салоҳий ва унинг ижоди ҳақида маълумотлар жуда кам. Нурмуҳаммад Насафийнинг тазкирасидаги маълумотларга қараганда, у ўзбек тилида “Гул ва Булбул” (1740), форс-тожик тилида “Юсуф ва Зулайҳо” (1753) каби асарлар ёзган⁷⁹. Шоир Салоҳиддин Салоҳийни XX асрда Каттакўрғонда ҳам яшаган.⁸⁰

Салоҳиддин Салоҳий асарларидаги сўз таркибига назар солинса: “хафи авқот”, “марди ахмоқ”, “душлар ва душлар” каби сўзларнинг Бухоро музофоти ўзбеклари диалектига доирлиги билан қаердадир Насаф-Қаршидан у қадар узоқ бўлмаган жойда ҳаёт кечирганлиги аниқланади⁸¹, деб таъкидланади. XVIII аср ўрталарида яшаган, келиб чиқиши Қарши шаҳрига алоқадор бўлган дostonнавис Салоҳиддин Салоҳий, асосан, ўзбек тилида ижод қилган шоирдир.

Нурмуҳаммад Насафий XVIII асрнинг ўрталарида яшаб ижод этган Қаршилиқ олим ва шоир бўлиб, унинг “Мазҳар ул-мусаннифин” (“Адиблар баёнида”) асарида Бухоро хонлиги ҳудудида яшаб ижод қилган, жумладан

⁷⁷ Равшанов П. Қарши тарихи. – Б. 539.

⁷⁸ Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 40-41

⁷⁹ Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. – Б. 85.

⁸⁰ Қорасев Т. Хиромий. – Тошкент, 1977. – Б. 8.

⁸¹ Ўзбек адабиёти тарихи, 3 – том. – Тошкент, 1978. – Б. 150.

қаршилик ва косонлик адиблар ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган⁸².

Қарши ҳаттотлик мактабининг йирик вакилларида бири Саидназар Насафийдир. У XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб замонасининг атоқли котибларидан ҳисобланган⁸³. У ҳаттотлик сирларини пухта эгаллаб, араб графикасининг турли шаклларида маҳорат билан кўчиришда шуҳрат қозонган.

Учинчи бобнинг учинчи параграфи – “**Шаҳарнинг меъморий ёдгорликлари**”га бағишланган. Қашқадарё воҳаси, жумладан, Қарши шаҳри ҳудудидаги меъморий ёдгорликлари воҳа аҳолисининг ўтмиши, кечмиши ва қадимий бой маданиятига гувоҳлик беради. Мазкур шаҳарда аجدодларимизнинг ўтмишда яратган бебаҳо санъат қошоналари ўзбек халқининг улкан меъморчилик намуналари сифатида моҳир халқ усталарининг ақл заковати билан уйғунлашган ҳолда бунёд этилганлиги туфайли бизнинг давримизгача етиб келган. Қарши шаҳрида турли даврларга оид 24 та меъморий ёдгорлик давлат муҳофазасига олинган бўлиб⁸⁴, диссертацияда шаҳардаги энг йирик меъморий иншоотлар ҳақида сўз юритилади.

Қаршида ҳам масжидларнинг учта анъанавий тури мавжуд бўлган: 1. Ҳар куни беш маҳал намоз ўқиладиган, маҳаллий аҳолига мўлжалланган масжидлар. 2. Жума кунлари умумшаҳар ибодатларига мўлжалланган жоме масжидлари. 3. Ҳайит масжидлари – намозгоҳ (ийд, мусалла). Ҳайит масжидлари шаҳар ва унинг атрофидаги эркаклар учун йилига икки мартаба Рамазон ва Қурбон ҳайитларида намоз ўқишга мўлжалланган⁸⁵.

Қаршидаги тарихий ёдгорликлардан бири Одина масжиди XIV асрнинг 80-йилларида бунёд этилган. Муаррихларнинг маълумотларига кўра, Соҳибқирон Амир Темур 1385-1386 йилларда Қаршида қишлаб, унинг марказида йирик масжид бунёд эттирган⁸⁶. Одина масжиди Регистон мажмуига кирган меъморий иншоотлардан бири ҳисобланган.

Кўкгумбаз жоме масжиди Абдуллахон II буйруғига биноан ҳижрий 999 (1590-1591) йилда қурдирилган⁸⁷. Обиданинг умумий узунлиги 38,25 метр, қанотлардаги иморатларнинг эни икки хил, шимолий-ғарбий тарафдагиси 14 метр, жануби-шарқий томондагиси 14,6 метр бўлган ва ён томондаги биноларга асосий залга ўтиш йўлаклари орқали кирилган⁸⁸. Ю.Скайлер Кўкгумбаз масжидини ичкари қисми теп текис бўлиб, тўққизта тошли куббалардан иборат, масжидни олд қисми жуда чиройли ҳамда яхши, мутаносиб, ёпилган гумбази ва Қуръондан олинган матнларнинг шаклигача мовий ва оқ қошиндан ишланган деб маълумот беради⁸⁹.

⁸² Исмоилов Н., Бўриев О. Қарши – Ўзбекистоннинг қадимий шаҳри. – Б. 118.

⁸³ Равшанов П. Қарши тарихи. – Б. 550.

⁸⁴ <https://lex.uz/ru/docs/-4543266>. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 04.10.2019 йилдаги 846-сон.

⁸⁵ Маньковская Л.Ю. Архитектурные памятники Кашкадарьи. – Ташкент: Фан, 1971. – С. 41-42.

⁸⁶ Аҳмедов Б. Амир Темур. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 361-362.

⁸⁷ Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. – С. 87.

⁸⁸ Равшанов П. Қарши тарихи. – Б. 499.

⁸⁹ Скайлер Ю. Тукистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари. – Б. 291.

Хонақоҳ жоме масжиди Қарши шаҳрининг Қўрғонча маҳалласида жойлашган. Жоме масжиди XVII асрнинг охири чорагида қурилган. Айрим маълумотларга кўра, Хонақоҳ масжиди 1677 йилда битказилган. Масжид 14 қиррали тарх асосида қурилган бўлиб, 14 метрлик минораси, 14 метрлик тошқудуғи 14 метрлик тош ҳовузи мумтоз бир уйғунлик асосида ягона мажмуани ташкил этади⁹⁰.

Хонақоҳ масжиди Абдураҳмон халифа ташаббуси билан Қўрғонча аҳолиси томонидан ҳашар тариқасида ниҳоясига етказилган. 1910 йилда (1331 х.с.) масжид қайта бошдан қурилган. Самариддинхон эшон томонидан ҳашар йўли билан тикланган масжид ўзининг иккинчи қурилишида аввалги тархидан бироз ўзгарган. Унинг ҳозирги кўриниши 9 қиррали бўлиб, чилла ўтиришга мослаштирилган хос ҳужра-чиллахонага ҳам эга⁹¹. Қарши шаҳридаги масжидлар орасида Хонақоҳ жомеси шу жиҳати билан ягона ҳисобланиб, масжид шарқона безаклар билан зийнатланган.

Чақар масжиди (1860) Қаршининг эски шаҳар қисмида жойлашган. Айвондан эшиклар орқали ичкарига кирилади. Деворлари бенақш, ганж билан сувалган, меҳроб қисмида мрамарга ўйилган нақшни кўриш мумкин. Бинонинг асосий ўрта қисмида уймакор устунлар шифт ёғочларини кўтариб туради, таг ҳимоя қисми мрамардан қилинган. Масжиднинг ташқи қисми айвон услубида қурилган, устунлар айвонларни кўтариб туради. Иншоот ёғоч устунларига маҳорат билан гул тасвирлари, турли хил шакллари ўйилган. Бундай анъанавийликни Бухоро меъморчилигида ҳам кўриш мумкин⁹².

Қарши шаҳридаги Бек мадрасаси ҳорижлик сайёҳларларнинг эсдаликларида учрайди. 1841-1842 йиллар Бутенов миссияси билан бирга келган Н.Хаников Бек мадрасасини Абдуллахон ҳукмронлиги йилларида Қарши шаҳрига раҳбар, ҳоким бўлган Мир Бақобек томонидан қурилганлигини ва 50 та ҳужрадан иборатлигини ёзиб қолдирган⁹³. 1873 йилда Қарши шаҳрида бўлган америкалик дипломат Ю.Скайлер Бек мадрасасини арқдан унча узок бўлмаган жойда эканлигини, ҳужраларининг сонини эса 100 нафар талабага мўлжалланганлигини ва қурдирган бекнинг номи билан юритилганлигини қайд этиб ўтган⁹⁴. Н.А.Маев мадраса номини Мирбека деб қайд этиб, замонлар ўтсада бир оз қорайган бўлсада яхши сақланган деб ёзган⁹⁵. Н.Хаников ҳам Ю.Скайлер ҳам Мир Бақобекнинг Абдуллахон томонидан Қаршига бек этиб тайинланиши борасидаги юқорида келтирилган маълумотни тасдиқлайди. Амир Ҳайдар бу мадраса учун бир неча қишлоқларнинг ерларини ҳам вақф қилиб берган.

XVIII-XX асрнинг бошларида Қарши шаҳрида маҳаллий саҳоватпеша бойлар томонидан Шермухаммадбек, Шарифхўжа, Қиличбой, Бекмиркозок мадрасалари ҳам бунёд этилган.

⁹⁰ Ўша асар. – Б. 502.

⁹¹ Исмоилов Н., Бўриев О. Қарши – Ўзбекистоннинг қадимий шаҳри. – Б. 127.

⁹² Ўша асар. – Б. 126..

⁹³ Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. – С. 109.

⁹⁴ Скайлер Ю. Тукистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари. – Б. 290.

⁹⁵ Маев Н.А. Бухоро хонлиги очерклари. – Б. 43.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Қарши шаҳридаги меъморий ёдгорликлар, масжидлар, мадрасалар, кўприклар ва жамоат ҳаммомлари Ўрта Осиёнинг меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган бўлиб, халқимизнинг бой ўтмишини ўзида мужассам қилганлиги билан ажарлиб туради.

ХУЛОСА

XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Қарши шаҳрида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлари илмий тадқиқ қилиш асосида куйидаги асосий хулосаларга келинди.

1. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Қарши шаҳрида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар муаммоси ҳозирги кунга қадар яхлит ҳолда, тарихий-хронологик изчилликда диссертация шаклида ўрганилмаган. Мазкур шаҳарда бу даврда кечган ижтимоий-иқтисодий, маданий жараёнларнинг айрим жиҳатлари тарихий ҳақиқат воқеликлари билан бирга афсонавий, ярим ривоят воқеликлар билан аралаштириб юборилганлиги қиёсий таҳлиллар натижасида тасдиқланди. Уларни асл тарихий манбалар асосида аниқлаштириш, тегишли илмий хулосалар чиқариш ушбу диссертацияда имкон қадар бажарилди.

2. Бухоро хонлигида аштархонийлар сулоласининг ҳокимиятдан кетиб манғитларни келиши билан боғлиқ сиёсий курашлар кечган XVIII асрнинг 40-70-йиллари ўта мураккаб ва зиддиятли вазият содир бўлганлигини тарихий далиллар тасдиқлайди. Сиёсий жараёнлар кескинлашган даврда Қарши шаҳри ҳам ушбу воқеликдан четда бўлмаган. Аксинча, манғитларни сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишида уни қўллаб-қувватлаш тарафида турган. Қарши манғит амирларининг таянчи нуқта сифатида энг муҳим сиёсий қароргоҳи бўлганлигини манбалар таҳлили тасдиқлайди. Бухоро амирларининг ота юрти Қарши шаҳри Шаҳрисабздаги кенагасларни ўз давлати тасарруфига қўшиб олишида сиёсий ва маънавий таянч ролини ҳам ўйнаган.

3. Бухоро амири Шоҳмурод давлатни бошқарган даврда (1785-1800 йй.) Қарши сиёсий жиҳатдан ўз мавқеини сақлаб қолишгина эмас, балки пойтахт шаҳар билан бир қаторда юксак мақомда бўлган. Тарихий манбалар таҳлилидан амин бўлиндики, амир Шоҳмурод Қарши шаҳрига ўғли-тахт вориси Ҳайдар тўрани ҳоким этиб тайинлашидан бошлаб, бўлажак Бухоро амирларини Қарши шаҳрига ҳокимлик қилиши анъана тусига кирган. Қарши шаҳрида илм-фан ва маданият ривожига алоҳида эътибор қаратган Амир Ҳайдар(1800-1826) ҳукмдорлик қилган даврлардан бошлаб, Қарши шаҳрида бунёдкорлик ишлари олиб борилган.

4. 1868-1872 йилларда Россия босқинчиларига қарши ҳарбий тўқнашувлар, уруш ва низолар янғидан авж олган пайтларда ҳам Қарши сиёсий воқеликлар кескин кечган жараёнлар маркази бўлган. Абдумалик Тўра бошчилигидаги истиқлолчилик ҳаракати намояндалари курашлар пайтида Қарши шаҳри сиёсий бошпана-қароргоҳ вазифасини бажарган.

5. Қарши шаҳри савдо-сотик йўллари кесишган чорраҳада жойлашганлиги унинг халқаро миқёсдаги иқтисодий мавқеини белгилаб берган. Бухоро амирлиги даврида Қарши савдогарлари ички ва ташқи савдода фаол иштирок

этишиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хунармандчилик буюмларини хорижга чиқаришган. Шаҳарда хунармандчиликнинг энг тараққий этган соҳаларидан металлсозлик, тўқимачилик, ипакчилик, заргарлик, кўнчилик, дурадгорлик, матога нақш босиш каби тармоқларида маҳаллий хунарманд усталар моҳир бўлишган.

6. Қарши шаҳрида бу даврда мадрасалар ва маҳалла масжидлари мавжуд бўлган. Миноралар, хонақолар, мақбаралар, саройлар, қалъалар, савдо расталари, карвонсаройлар, сардоба ва кўприклар шаҳар меъморчилик маданиятида алоҳида ўрин тутган. Маҳалла масжидлари жамоатчилик марказининг асосий маданий маскани ҳисобланган. Қарши мадрасалари меъморчилигида Бухоро меъморчилиги мактабининг кучли таъсири сезилади.

7. Мактаблар Қарши шаҳрининг маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб улар шаҳардаги ҳар бир кўчада жойлашган масжидлар қошида ёки мактаблар очган шахслар (бундай шахслар “мактабдор”, “махдум”, “мирзо”, “охунд”, “отин биби” каби номлар билан аталган)нинг ўз уйларида фаолият кўрсатган.

8. Бухоро амирлиги даврида Қаршида илм-фан, маданият, адабиёт, санъат тараққий этганлиги тарихий манбаларда, ҳужжат ва мемуар асарларда ёзиб қолдирилган. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Қарши шаҳрида ўзига хос илмий муҳит шаклланиб, дунёвий илмлардан илми-нужум (астрономия), ҳандаса (геометрия), математика (ҳисоб илми) кабилар тараққий қилган. Ушбу фанлар ривожига Бухоро ва бевосита Қарши шаҳрида таваллуд топган олимлар муносиб ҳисса қўшишган. Қарши адиб ва шоирлар жам бўлган марказга айланиб, “Насафий” таҳаллуси билан Ломей Насафий, Солиҳа Насафий, Тоҳира Насафий каби таниқли сиймолар адабий жараёнларнинг фаол вакилларига айланган. Қарши шаҳридан етишиб чиққан хаттотлик санъати намояндалари ҳам ўз фаолиятлари давомида санъатнинг ушбу соҳасини янги босқичга кўтаришган.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. “XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Қарши шаҳрида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар” мавзуси материалларининг интернет сайтини яратиш ва янги маълумотлар билан доимо тўлдириб бориш;

2. Туристлар учун Қарши шаҳри тарихий-меъморий ёдгорликлари, зиёратгоҳ ва қадамжолари бўйича ўзбек, рус, инглиз тилларида буклетлар тайёрлаш;

3. Қашқадарё вилояти музейлари, ахборот-кутубхона марказлари, маънавият-маърифат хоналарида “Қарши шаҳри тарихи”га бағишланган кўرғазмалар ёки алоҳида бурчаклар ташкил этиш;

4. “XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Қарши шаҳри ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлари” мавзусида монография яратиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 03/27.02.2021.Tar.70.05
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ**

**КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

МУМИНОВ УСМОН МУХАММАД УГЛИ

**СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ И КУЛЬТУРНЫЕ
ПРОЦЕССЫ В ГОРОДЕ КАРШИ ВО ВТОРОЙ
ПОЛОВИНЕ XVIII – НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ**

07.00.01 – История Узбекистана

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам**

Карши – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № В.2020.1.PhD/Tar624.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.qarshidu.uz) и на веб-странице Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:

Эшов Боходир Жураевич
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сулаймонов Рустам Хамидович
доктор исторических наук, профессор
Худойкулов Тулкин Дустбобоевич
доктор исторических наук, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «12.08» 2022 года, в 11 часов на заседании Научного совета PhD. 03/27.02.2021. Tar.70.05 по присуждению ученых степеней при Каршинском государственном университете (Адрес: 180103, Карши, улица Кучабар 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz.). Каршинский государственный университет.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за № 11). (Адрес: 180103, город Карши шаҳри, улицы Кучабар 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz.).

Автореферат диссертации разослан «12» 08 2022 года.
(протокол реестра № 19 от «12» 08 2022 года).



Г.Э.Муминова
Заместитель председателя
Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.и.н., профессор

Н.Н.Ражабова
Учредитель секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.и.н., доцент

Ю.А.Эргашева
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.и.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях современной глобализации во всем мире изменяется отношение к культурному наследию. В развитии мировой истории и культуры особое внимание уделяется истории городов, являющихся центрами общечеловеческого культурного наследия. В этом направлении большое функциональное значение приобретает изучение процессов урбанизации, протекавших в Средней Азии в период древних и средних веков. В связи с тем, что города региона развивались в тесной связи с центрами Востока, выполнявшими различные функции, изучение урбанизации является одной из важнейших проблем научной дисциплины Всемирная история.

В условиях интенсивного развития урбанизации в различных странах мира потребность и необходимость всестороннего освещения истории городов приобретает все более глобальный характер. Во многих научно-исследовательских центрах и высших образовательных учреждениях мира проводятся систематические исследования в области исследования присущих определенным регионам особенностей и закономерностей развития процессов урбанизации, а также подвергаются анализу вопросы современного градостроительства, инфраструктуры туризма, которые представляют собой актуальные научные проблемы.

Вторая половина XVIII – начало XX веков в истории и культуре Бухарского эмирата был периодом многочисленных социальных, политических, культурных и экономических новшеств, в жизни городов также происходили важные изменения. Эти изменения оказали влияние на облик, инфраструктуру городов и выполняемые ими задачи. Именно поэтому актуальным является исследование историко-культурных процессов, протекавших в городах Узбекистана. При осуществлении к вопросу такого подхода важным является научное изучение и анализ истории и культуры города Карши.

В Узбекистане «Бережное сохранение, изучение и передача из поколения в поколение нашего исторического наследия является одним из приоритетных направлений нашей государственной политики»¹. Период со второй половины XVIII – начала XX веков в истории и культуре Бухарского эмирата явился периодом многочисленных социальных, политических, культурных и экономических изменений, произошли важные изменения и в жизни городов. Эти изменения оказали влияние также на внешний облик, инфраструктуру городов и выполняемые ими задачи. Именно поэтому актуальным является исследование историко-культурных процессов, протекавших в городах Узбекистана. С этой точки зрения важное значение имеет научное исследование и анализ истории и культуры города Карши.

В Узбекистане уделяется особое внимание развитию городов и городской культуры. В Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3022 от

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. (Решительно продолжая наш путь национального развития, поднимем его на новый уровень) 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”. НМИУ, 2017. – Б. 29 (592).

31 мая 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию и совершенствованию сферы культуры и искусства» утверждается о необходимости изучения деятельности имеющих важное значение в развитии городской культуры учреждений культуры и искусства, театров, музеев, художественных коллективов, центров культуры, парков культуры и отдыха, состояния их материально-технической базы². Настоящая диссертация в определенной степени служит выполнению задач, определенных в постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 452 от 29 сентября 2004 года «О подготовке к празднованию 2700-летнего юбилея города Карши»³, № 322 от 29 декабря 2010 года «Об утверждении программы мер по укреплению материально-технической базы садов культуры и отдыха и дальнейшего совершенствования их деятельности на 2011-2015 годы»⁴, Указе Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»⁵ и других нормативно-правовых актах, относящихся к развитию данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути ее реализации».

Степень изученности проблемы. История города Карши освещена историками, жившими в различные исторические периоды. В частности, в исследованиях историков периода Российской империи уделено внимание, в основном, роли средневековых городов в развитии ремесленничества и торговли, в советский период изучены задачи городов в качестве социально-экономических и административных центров. В 80-90-х годах XX века города рассматривались в качестве центров, в которых активно протекали социально-культурные процессы.

Источники и литературу, дающие сведения о некоторых аспектах исследуемой проблемы, можно проанализировать, разделив их на три следующие группы:

Первая группа включает литературу в виде трудов, отчетов и воспоминаний местных историков, военных, миссионеров, путешественников-исследователей конца XVIII – начала XX веков;

Вторая группа включает специальную литературу в форме научных исследований, изданную с 20-х по 90-е годы XX века;

² <https://nrm.uz/contentf?doc=502325>. _postanovlenie_prezidenta_respubliki_uzbekistan_ot_31_05_2017_g_n_pp-3022_o_merah_po_dalneyshemu_razvitiyu_i_sovershenstvovaniyu_sfery_kultury_i_iskusstva

³ <https://nrm.uz/contentf?doc=415725> _postanovlenie_kabineta_ministrov_respubliki_uzbekistan_ot_29_09_2004_g_n_452_o_podgotovke_k_prazdnovaniyu_2700letnego_yubileya_goroda_karshi&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

⁴ <https://lex.uz/ru/docs/1722002>

⁵ <https://lex.uz/docs/5841063>. Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28.01.2022 года.

Третья группа включает специальные исследования, монографии, выполненные с археологической, этнографической и краеведческой точки зрения в период независимости.

Относящиеся к *первой группе* литературы произведения таких отечественных авторов, как Мухаммад Ходжа Бако, Ходжа Самандар Термизи, Ахмад Дониш, Мирзо Абдул Азим Соми, Мирза Салимбек, Мирзо Девон, Мир Иззатулло, содержат некоторые сведения об исторических событиях, связанных с городом Карши, о происходивших в исследуемый период в Бухарском эмирате политических событиях. Можно отметить, что в связи с древностью городов Южного Узбекистана и их важной ролью в истории развития процессов урбанизации в Средней Азии сведения о них можно встретить в источниках, написанных в различные исторические периоды.

Прежде всего, в произведении отечественного историка Ходжа Самандара Термизи «Дастур уль-мулук»⁶ приведены сведения о некоторых городах на юге во второй половине XVII – начале XVIII веков, их оборонительных стенах, городской жизни и деятельности некоторых должностных лиц – кази, раис и религиозных улемов – городского управления, а также различных слоях городского населения.

